



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil " 5 " fevral

Қ-71 -son

Termiz sh.

**Денов туманида фаолият юритаётган  
"DENOV TRANS UMID" МЧЖга тумандаги  
Ш.Қобилов массивидан ғишт ишлаб  
чиқариш заводи қурилиши учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 ноябрдаги 03-02/768-сон йиғилиш баёни, Денов тумани ҳокимининг 2020 йил 25 сентябрдаги 01-36/886-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 ноябрдаги 03-02/768-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. "DENOV TRANS UMID" МЧЖга тумандаги Ш.Қобилов массивидан туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 395қ-дала контуридаги 0,50 гектар яйлов ер майдонига ғишт ишлаб чиқариш заводи қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. "DENOV TRANS UMID" МЧЖ ғишт ишлаб чиқариш заводи қурилиши мақсадида ажратилаётган 0,50 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 8 372 510 (саккиз миллион уч юз етмиш икки минг беш юз ўн) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов) ва Денов тумани

хокимлиги (Р.Пардаев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳоқимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳоқимининг ўринбосари А.Сувонқулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳоқими**



**Т.Боболов**